

Фарангистон тоғларида хали ҳеч қачон бундай қахратон киш бўлмаган ва бунчалик узок чўзилмаган эди. Бир неча ҳафтадирки, ҳаво очик, тиник, курук совук забтига олган. Кундузлари очик, тиник мовий осмон остида қор босган кенг, қия далалар нурсиз, очиш йилтираб, поёнсиз ястаниб ётар, кечалари эса қичкинагина Ой янада тиниклашиб, сарик ёғду сочар, унинг ўткир нурлари қирчиллама киш совугида қор узра хира аксланарди. Одамлар тепалик тугул, ҳатто кўчаларга ҳам чиқишмас, уйларга биқиниб олишган, тунда кўкимтир Ой нурида қишлоқ қулбаларининг ёник деразалари ис босгандек хира кўринар ва тезда ўчиб қолар эди.

Теварак-атрофда яшовчи жониворлар учун ҳам оғир давр бошланган эди.

Майдароклари тўп-тўп бўлиб музлаб қолар, қушлар ҳам қахратон киш совугига дош беролмай ҳалок бўлиб, қирғий ва бўриларга ем бўларди. Бирок аёз ва очликдан барчанинг силласи қуриган эди. Бўриларнинг ҳам жуда озгинаси омон қолган, қулфат уларни бир-бирига янада жипслаштирганди. Кундузлари емиш топиш илинжида улар яққа-яққа изғир эдилар. Дам-бадам қор узра озиб-тўзиб кетган, шарпа янглиг унсиз пушиб бораётган оч, бироқ ўта хушёр бўри кўзга қалиниб қоларди. Қор босган далада қафтдек соя унга эргашади.

Шамолда бир нимани сездимиз, ўткир тумшугини чўзиб, тинка-мадори қуриб, қиска-қиска увлаб қўяди. Кечалари улар гала-гала бўлиб овга қикар, бўғик увиллаб, қишлоқлар атрофида изғирди. У ерларда мол ва паррандалар оғилларга маҳкам берқитилган, деразаларнинг дарчаларига ов милтиқлари суяб қўйилганди. Онда-сонда итми, шунга ўхшаш майда ўлжани ҳисобга олмаганда аҳвол танг, шундоғам гала ичидан икки бўри отиб ўлдирилган эди.

Совук ҳамон забтига оларди. Бўрилар иссиқроқ бўлиши учун кўпинча ёнма-ён ётар, хувиллаган далаларда унсиз, маъюс термилиб, қулай пайт қелишини пойлашарди. Шунда улардан бири очлик азобига дош беролмай, қутилмаганда ваҳимали увлаб юборди. Унга бошқалари ҳам қўшилди, бир зумда қор-атрофни бўриларнинг даҳшатли увиллаган овозлари тутиб кетди.

Нихоят, қаланинг қогроққина қисми йўлга отланишга аҳд қилди. Эрта тонгда уяларини тарқ этиб, бир ерга тўпланган бўрилар совук ҳавони безовта искай бошлади. Сўнг қамаси баравар кўзгалди. Ортда қолганлар олдиндагилар қетидан анча жойғача эргашиб қопиб қорди, сўнг иққиланиб тўхтаб, уларга мажолсиз қараб турғач, секин ин-инига қайтди.

Йўлда бораётганлар қиём пайти бир-бирларидан ажралдилар. Уқтаси шарқ тарафга – Швейцариянинг Юра тоғлари томон, қолганлари эса жанубга қараб қетди. Учала бўри қелишган, қучли бироқ ниҳоятда озиб-тўзиб қетган эди. Оқимтир қоринлари қамардек тортилган, қовурғалари аянқли тарзда туртиб қикқан, қалқумлари қурукшаб, кўзлари маъюс ва тушқин боқарди.

Уқовлон Юрага етиб қорқандан сўнг иққинчи қуниёқ битта қўй, уқинчи қуни эса ит билан қулунни ўлжа олди, бундан даргазаб бўлган қишлоқ ақолиси йиртқичларни қар томондан таъқиб қила бошлади. Қор атрофдаги қишлоқлар ва шақарқаларда ваҳимали гап-сўзлар тарқалди. Қочта ташувчи қаналар қуроллантирилди, милтиқсиз ҳеч қим қўчага қикмайқиган бўлди. Учала йиртқич бегона жойда аввалига бироз қайққан бўлишса-да, шундай ажойиб ўлжадан сўнг ўзларини қўйиб юборишди; улар энди қар қачонқиган қўра тапторқмас бўлиб, қишлоқ қовлиларидан биридаги молқонага

куппа-кундузи хужум килди. Тор огил бир зумда ари уясидек тўзиди, сигирлар аянчли мў-мўлар, ёгоч кўралар карсиллаб синар, от туёклари ерни титратиб дупурларди. Бирок бу гал одамлар етиб келди. Бўриларни ким ўлдирса, унга мукофот эълон килинган, бундан дехконлар жасоратига жасорат кўшилганди. Улар шу захоти икки бўрини тинчитишди, бирининг бўгзига ов милтигидан отилган ўк теккан бўлса, бошқасини ойболта билан бир ёклик килишди. Учинчиси чап бериб кочиб колди, жони халкумига келиб, кор устига куламагунга кадар орка олдига карамай югурди. Бўрилар ичида у энг навкирони, энг келишгани эди, шу билан бирга бу магрур жонивор бакувват, кучли, эпчил ва чаккон хам эди. У огир-огир нафас олиб, узок ётди. Кўз ўнгида конли кизил доиралар гир-гир айланар, огрик азобидан ахён-ахёнда тўлганиб кўярди. Елкаси ойболта зарбидан жарохатланган. Барибир бир оз тин олгач, у яна ўрнидан кўзгалди. Шундагина у жуда узок масофага югуриб борганига амин бўлди. Атрофда на бирон уй, на одам зоти кўринарди. Рўпарасида калин кор босган тог савлат тўкиб турарди. У Шассерал тоги эди. Тогни айланиб ўтишга ахд килди. Ташналик азоби устун келиб, бўри корнинг музлаган устки катламидан бир парча синдириб еди.

Тогнинг нариги томонига ўтган хам эдики, у бир кишлокка дуч келди. Кеч кириб борарди. Бўри калин ўсган арчазор ичига кириб, нафасини ростлади. Кишлок молхоналарининг илимилик хиди димогига урилди-ю, аста богкўралар устидан ошиб ўтди. Кўчада хеч зог йўк. Огзидан сўлаги окиб, кўрка-писа ўзини уйлар орасига урди. Шу захоти ўк овози янгради. У ўзини тутиб, энди югурмокчи бўлган хам эдики, карсиллаб иккинчи ўк узилди. Окиш корнининг куйи кисмидан йирик кон томчилари тиркирай бошлади. Бўри бор кучини тўплаб, хаккалай-хаккалай ниҳоят, нариги тарафдаги тог багрида жойлашган ўрмонзорга етиб борди. У ерда бир зум теварак-атрофга диккат билан кулок солди, иккала тарафдан хам одамларнинг овозлари ва кадам товушлари эшитилди. Кўрка-писа токка разм солди. Тог нишаб, сердарахт, унга чикиб бориш анча мушкул эди. Бирок бошка йўл хам йўк эди. Бўри нафаси бўгзига тикилиб, кия тог багрига капишганча аста юкорига ўрмалаб чика бошлади, пастда эса якинлашиб келаётган оломоннинг гала-говур овозлари эшитилиб, дам-бадам фонуслар ялтиллаб коларди. Ярадор бўри нимкоронгу арчазордан дир-дир калтираб юриб борар, ярасидан жигаранг кон тизиллаб отиларди.

Совук сал ташлади. Гарб томондан осмон губорли эди – бу кор ёгишидан дарак эди. Холдан тойган, тинка-мадори куриган бўри ниҳоят бир амаллаб тепаликка чикиб олди. У энди Mont Crosin деган жой якинида, ўзи аранг кочиб чикиб келган кишлок узра чўзилган кия, калин кор билан копланган кенг майдонда турарди. Очликни сезмас, бирок жарохати симиллаб огриб, каттик азоб бераётганди. Осилиб колган бўгзидан аста, билинар-билинемас нидо келди, юраги огир ура бошлади, мукаррар ўлим зилдек босиб келаётгандек туюлди. Шунда бехосдан шохлари тарвакайлаб ўсган ёлгиз арчага кўзи тушди; арча тагига бориб, гира-шира тун каърига маъюс тикилиб колди. Орадан ярим соат вакт ўтди. Кутилмаганда кор устида галати ва майин, хира кизил нур пайдо бўлди. Бўри инграб, жойидан кўзгалди, ёруглик томон интилди. Бу жануби-шарк томондан катта ва кип-кизил бўлиб чиккан, тунги осмон узра тобора кўтарилиб келаётган Ой нури эди. Анча вактдан бери у бу кадар кизариб, тўлишмаганди. Аста-секин жон таслим килаётган жонивор хира, туссиз Ой гардишига маъюсланиб бокаркан, заиф хириллаган овозда увиллаб кўйди, овоз сассиз тун каърига сингиб кетди.

Хадемай кўлларида фонус кўтарган одамлар етиб келди. Калин пальто кийган

дехконлар, бошларига мўйна телпак, оёкларига иссик пайпокли этик кийган овчилар, йигит-яланглар корни бир-бир босиб, якинлашиб келишарди. Хамма шодон кийкириб юборди. Харом котаётган бўрига кўзлари тўйиб, унга икки марта ўк узишди, иккала ўк хам нишонга тегмади. Кейин келиб кўришсаки, ўзи жон талвасасида ётибди. Улар таёк ва сўйилларини ўйнатиб, бўрига ёпирилишди. Бўри буни ортик сезмади хам. Тилка-пора бўлган бўри жасадини Санкт Иммер томон судраб олиб кетишди. Хаммалари кулишар, бир-бирларига мактанишар, арок ва кахва ичиб, хурсандчилик килишар, ашула айтишар, сўкинишарди. Калин кор коплаган гўзалликни, баланд ясси тог ёгдусини, ов милтикларининг миллари, биллур кор зарралари хамда ўлдирилган бўрининг сўник кўзларини гира-шира ёритиб, Шассерал тоги узра осилиб турган ёруг Ойни эса хеч ким кўрмас эди.

*Олмон тилидан Мирзаали Акбаров таржимаси*